Она юртинг — олтин бешигинг

# ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚЎМИТАСИ

| Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган | № 45 (65921)<br>1996 йил, 29 июнь, шанба | Сотувда эркин нархда |
|---|---|---|

*Онам—ойим, отам—офтобим*

## МАНЗУРАНИНГ АЯСИ



Майрам ая! (Номини ўзгартирдим). Бу онахонни қишлоғимизнинг ёшу қари-си яхши кўради. Бундан бир неча йиллар аввал ая тўсатдан вафот этган қўшни аёлнинг тўққиз ойлик чақалоғини фарзандлари қаторида тарбияладилар. Ҳозир Манзура 9-синфда ўқияпти. Бирам одобли қиз бўлганки, у ҳатто ҳақиқий онаси бошқа эканлигини ҳам билмайди. Майрам аяни эса бошқа болаларидан ортиқроқ севса севадики, кам эмас. Ахир бурунгилар бежиз айтишмаган-ку, туққан эмас, боққан она, деб.

Ҳолбуки, баъзи оналар бегона болани тарбиялаш у ёқда турсин, ўз фарзандларини ҳам тирик етим қилиб кўча-куйга, болалар уйларига ташлаб кетадилар. Уларни «она» дейишга ҳам тилимиз бормайди. Майрам ая сингари бағри кенг, меҳри дарё онахонларимизни қанча улуғласак, шунча оздек. Ая тарбиялаётган фарзандларнинг ҳам келгусида ажойиб инсонлар бўлиб улғайишларига ҳеч шубҳамиз йўқ.

**Т. САДРИЕВА,**
**Бухоро вилояти,**
**Ғиждувон туманидаги**
**3- мактаб ўқитувчиси.**

## МЕҲРИБОНИМ ДАДАЖОН



Ҳар гал дадамнинг ишдан қайтишларини сабрсизлик билан кутамиз. Улар қўлларида оғир халта билан кириб келадилар. Юз-кўзларидан чарчаб хориб келаётганликлари сезилиб турса-да:

— Она қизларим-ей, сизларни кўрсам чарчоқларим ёзилади-я, — дейдилар кулиб.

Тўғри, ҳамма болалар ҳам ота-оналарини жуда севишади. Мен ҳам дадажонимни жуда-жуда яхши кўраман. Улар биз учун ҳам она, ҳам оталар. Бошимизни силаб, ҳамиша меҳр билан гапирадилар. Бирор иш бошламоқчи бўлсам, дадам доимо кўз олдимда турадилар. Уз ишим билан уларни хурсанд қилгим келади, ранжитиб қўйишдан эса жуда қўрқаман.

Тунов куни қўшни дугонам билан бирозгина тортишиб қолдик. У қиз дадам ишдан келаётганларида тўхтатиб, бор гапни айтиб берибди. Дадам мендан жуда хафа бўлдилар. Ҳатто бир неча кун гаплашмай ҳам юрдилар. Шундагина қилган ишимнинг нотўғри эканлигини тушуниб етдим. Аввал дадажонимдан, кейин эса дугонамдан узр сўрадим. Энди ҳеч қачон биз учун югуриб-еладиган, меҳрибон дадажонимни ранжитмайман.

**Робия ХАЙРУЛЛАЕВА,**
**Бухоро вилояти,**
**Ғиждувон туманидаги**
**С. Айний номли**
**3-мактабнинг 7-«А» синф**
**ўқувчиси.**

## УСТОЗ ЁДИ



Мана, яна бир ўқув йили ниҳоясига етди. Мактабларда «сўнгги қўнғироқ» овозлари янграли. Бу тантана ҳар йили ўзгача руҳ, ўзгача шукуҳ билан ўтади. Кўзларида ҳайрат ва қувонч ила ўқув йилини тамомлаётган етти ёшли болажонлар учун байрамнинг гашти ўзгачадир. Илк бор ҳарф танитган устозларига ҳаммадан чиройли, ҳамманикидан каттароқ гулдасталарни, уларга қўшиб меҳрларини тақдим этишга ошиқадилар. Уларга ҳавас билан термулиб, ўзимнинг ҳам илк бор мактабга қадам қўйган онларим ёдимга тушиб кетади, хотиралар ичида сизнинг меҳрибон сиймоингиз намоён бўлади, устоз!

*Ёз ўтмоқда соз*



Биринчи кунданоқ ҳар биримиздан минг айланиб, минг ўргилдингиз. Бу эса ўзга бир оламга тушиб қолгандек, гангиб турган биз кичкинтойлар учун нечоғли далда бўлганини билсангиз эди. Ёзиб-чизиб, митти қўлчаларимиз толиққанда, партага бош қўйдириб «ухлатганларингиз», айтиб берган эртакларингиз сеҳри юрагимизга сингиб кетгандек гўё. Ҳар биримизнинг туғилган кунларимиздан боҳабар бўлиб, қилган «совғаларингиз», самимий табрик ва пок ниятларингиз бизни меҳр-оқибатга чорловчи бир даъват эканлигини энди-энди англаяпман.

**Бўлса ақл чироғи билим,**
**Шу чироқни ёқа олдингиз.**
**Онгимизга сингдириб**
**илм,**
**Қалбимизда порлаб**
**қолдингиз,**

— дегим келади сизга,— Дилбар опа Собировна!

Эндиликда ўзим ҳам устозман. Сиздан андоза олиб, шогирдларимга таълим-тарбия беришга интиляпман. «Ўқитувчи ўзининг маънавий қиёфаси, ички дунёси, маданияти, эътибори билан ўзгаларга намуна бўлиши керак». Атоқли ўзбек педагоги Қори Ниёзий ана шу сўзларини сизга таъриф бериб айтгандек, гўё.

Сизни таниган-билганлар «жуда бамаъни, ширинсухан, куюнчак аёл эди» дея хотирлашади. Менинг эса кўзларимда ёш ҳалқаланади...

**Саида ЗОКИРОВА,**
**Тошкент шаҳри.**



БИР ҲАФТА ЯНГИЛИКЛАРИ

## «ФУТБОЛ ҒУНЧАСИ — 96»

Футбол билан жаҳонга машҳур бўлган Пеле, Марадона кабилар болалик чоғлариданоқ катта мусобақаларда иштирок этишган. Юртимизда спортнинг ана шу турига катта эътибор берилаётган бир пайтда Хоразмда ҳам вилоятлараро мактаб ўқувчилари ўртасида «Футбол ғунчаси — 96» турнири бўлиб ўтди. Унда республикамизнинг ҳар бир вилоятидан футбол командалари иштирок этиб, биринчи ўринни майдон эгалари эгаллашди.

## «МАҲАЛЛА БОЛАЛАРИ» БЕЛЛАШУВИ

Бухородаги 1-болалар ва ўсмирлар ижодиёти уйида 4- ва 29-мактаблар ўртасида «Маҳалла болалари» мавзуида кўрик-танлов бўлиб ўтди. Маҳалла болалари ҳаётини акс эттирган театрлаштирилган томошалар ва спорт мусобақалари давлат ва жамоат арбоби Файзулла Хўжаев таваллудининг 100 йиллигига бағишланди. Унда 29-мактаб ўқувчилари ғолиб бўлишди.

## НАМАНГАНДА ҲАШАР БЎЛДИ

Сув, тупроқ, ҳаво каби табиат неъматларини қанчалик асраб-авайласак, эртанги кунимиз шунчалик чароғон бўлади. Бу ишда ёш авлоднинг роли катта. Чунки улар эртанги кунимиз эгаларидир. Буни яхши тушунган наманганликлар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва саломатлик ўн кунлигини ўтказишди. Ҳашар тарзида ўтган бу тадбирга мактаб ўқувчилари кенг жалб этилди. Ушбу ўн кунликни ўтказишдан мақсад ҳам ёш авлодни табиатга муҳаббат руҳида тарбиялашдан иборат эди.

## СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН

Юртимизда ёш авлодга ғамхўрлик қилаётган холис инсонлар сони тобора кўпайиб бормоқда. Улар қаторига Андижон вилояти Избосқан туманидаги М. Исматов ҳам қўшилди. Кичик корхона эгаси бўлган бу инсон шу тумандаги «Гулноз» болалар боғчасига хайрия тарзида 25 минг сўм ўтказди. Шу маблағ ҳисобига кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари боғчага бепул қатнашади.

*Ҳунар—ҳунардан унар*



# Ўрганишда ҳам

Қорасаройдаги маҳаллаларнинг орасида муъжазгина бир бино бор. Ёзин-қишин болалар билан гавжум бўладиган бу маскан Республика ўқувчилар техник ижодиёт марказидир. Бу ерда фаолият кўрсатаётган 91 та тўгаракка 980 дан зиёд ўгил-қиз аъзо. Марказга илк бор тўгаракларда қатнашиш учун келган болаларни кузата туриб, марказ директори Толибжон ака Қорабоевнинг кўз ўнгидан болалик оналари ўта бошлайди.

50 йилларда Мирза Юсуф маҳалласида яшовчи 13 нафар бола марказнинг авиомодел тўгарагига аъзо бўлиш учун келишади. Аксига олиб, тўгаракда болалар сони етарли экан. «Келаси йили келинглар, албатта қабул қиламиз» деган жавобни олиб қайтиб чиқишади. Шунда қўшни хона эшигидаги «Кемасозлик тўгараги» деган ёзувга кўзлари тушади. Таваккал қилиб, ана шу тўгаракка қатнай бошлашади. «Авиамодель» тўгарагидан шашти пасайиб чиққан Толибжон ака учун кемасозлик тўгараги дастлаб бироз зерикарлидек туюлганди. Мураббийларнинг касб маҳоратиданми, ё ўзидаги иштиёқ сабабми, тез орада машғулотлар ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб қолди. Ўзи ясаган митти моделлари билан турли спорт мусобақаларида қатнаша бошлади. Узунлиги 2 метрдан ортиқроқ бўлган крейсер «Юпитер» моделини ясаб, 16 ёшида спорт номзоди бўлди. Орадан бир йил ўтгач Мирobod туманидаги кемасозлик тўгарагига раҳбарлик қила бошлади. 1971 йилда Толибжон аканинг саъйи ҳаракатлари билан шаҳар ёш техниклар станцияси ташкил қилинганди. Кейин Островский номли болалар ва ўсмирлар саройига директор бўлдилар. Мана, 11 йилдирки, Республика ўқувчилар техник ижодиёт марказига раҳбарлик қилиб келяптилар.

Марказга аъзо бўлган болалар дастлаб бошланғич техник моделлаштириш тўгаракларида сабоқ олиб, кейинроқ радио ва ракетамоделчилик тўгаракларида шуғулланадилар. 5—6- синф ўқувчилари учун электрон ҳисоблаш машиналари тўгараги ташкил қилинган. Мактабда олган билимларини такомиллаштириб, янги дастурлар тузишни ўрганишади. Яқинда марказга Америкадан ТВ-МАТ маркали компьютерларнинг битта мажмуаси олиб келинди. Улар ёрдамида тадбиркорликни ўрганиш тўгараги ҳам ташкил қилинди. Бундан 8 йил муқаддам «Коинот» ишлаб чиқариш бирлашмаси билан ҳамкорликда Аэрокосмик мактаб ташкил қилинган эди. Ҳозирги кунда у халқаро аэрокосмик мактабга айлантирилган.



Тошкент вилояти, Янгийўл туманида академик М. А. Аҳмаджонов бошчилигидаги қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрофикациялаш илмий тадқиқот билимгоҳи бор. Мазкур билимгоҳ билан ҳамкорликда тумандаги 45-мактабда биринчи бор 10-синф ўқувчиларидан иборат қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрофикациялаш синфи ташкил қилинди. Келгусида Толибжон ака ана шу синфни махсус мактабга айлантириш, унинг базасида аэрокосмик мактаб каби ёзги лагерлар ташкил қилиш ниятида изланяптилар.

Марказда бирор бир тадбир, мусобақа ва беллашувлар ўтказилмайдиган кун йўқ ҳисоби. Иқтидорли болалар слёти, ёш кино ва фотоҳаваскорлар фестивали дейсизми, авиамодель, картинг, ракетамодель, автомодель, кемасозлик бўйича республика ўқувчилар биринчилиги. Қувонарлиси шундаки, бундай мусобақалар иштирокчилари бўлмиш кўплаб ўқувчилар спорт устаси номзодлари бўлишди.



Бугун ҳам марказ ўқувчилар, меҳмонлар билан гавжум. Кўргазмалар залида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 5 йиллиги, ҳамда Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан кўргазма ташкил қилинди. Кўргазмадан барча вилоят вакилларининг ишларидан намуналар, жаъми, 50 дан зиёд моделлар жой олган. Ўқувчиларнинг ишлари билан танишар экансиз,

# Ўрганиш бор

уларнинг зеҳнига, ташаббускорлиги-ю ихтирочилик маҳоратига тан бермай иложингиз йўқ. Наманган шаҳар «Самолётсозлик» тўгараги аъзоси Ҳикматилло Мажидов ўзи ясаган «Тут шохларини кесувчи комбайн» моделини «Ўзбекистон — 01» деб номлабди. Тут шохлари кесувчи аппаратдаги қисқичлар ёрдамида кесилиб, айланувчи арра орқали транспортёрга узатилади. Шовот туманидаги 16-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Анвар Қаландаров ихтиро қилган «Буғдой тегирмони»ни катта-ю кичик зўр қизиқиш билан томоша қилишди.

Кўргазмага қўйилган ҳар бир модель ўзига хос хусусият, янгилик ва афзалликларга эга. Муҳими, уларнинг кашфиётчилари — иқтидорли, ижодкор ва изланувчан ёшлар. Республикамиз бўйича 144 та техник ижодиёт марказлари фаолият кўрсатаётган бўлса, уларда шуғулланаётган 81 мингдан зиёд ўгил-қиз айнан ана шундай ёшлар. Толибжон ака Қорабоев улар сафини янада кенгайтириш, фарзандларимизнинг олтинга тенг фурсатларини бозор-ўчарларда, кўча-кўйда беҳуда ўтказмай, ҳунар ўрганишлари, шунчаки ўрганибгина қолмай, ўқиб ўрганишлари, бошлаган ишларини албатта поёнига етказишлари тарафдори.

Бу борада жуда ёшлик чоғлариданоқ тўгаракларда мунтазам қатнаб, эндиликда Республика ўқувчилар техник ижодиёт марказига раҳбарлик қилиб келаётган Толибжон ака ҳаёти болаларга ибрат бўлгудек, десак муболаға бўлмас.

**Феруза ЖАЛИЛОВА,**
**Тошкент шаҳри.**

**СУРАТЛАРДА: 1. Марказ директори Толибжон ака Қорабоев шогирдлари даврасида. 2. Марказда ташкил қилинган кўргазмадан лавҳалар.**

**Р. АЛЬБЕКОВ суратга туширган.**





**Яқинда ишга кетатуриб, Республика қўғирчоқ театри биноси ёнидаги эълонлар тахтасига кўзим тушиб қолди, театрнинг июнь ойида намойиш этишни режалаштирган спектакллар рўйхати. Эътибор берган бўлсангиз авваллари аксарият театр жамоалари ёз ойларида таътилга чиқишар ёки бўлмаса турли жойларга ижодий сафарларга отланишарди. Бу театр жамоаси эса... Қизиқиб ичкари кирдим. Театр фойеси болалар дидига мос безатилган, деворда рангли тасвирдаги манзаралар, эртак қаҳрамонларининг суратлари акс эттирилган.**

**Театрнинг бугунги томошасига боғча кичкинтойлари келишибди. Улар деворлардаги расмларни — букчайганча қўлини пешонасига қилиб учар супургисида кетаётган Ялмоғиз кампир, даҳшатли ва важоҳатли ўлмас Кашей, олтин калитчасига маҳлиё бўлган Буратиноларни зўр қизиқиш билан томоша қилишяпти. Менга театр бош режиссёри Шомурод ака Юсупов дуч келди ва...**

# ҚЎҒИРЧОҚЛАР СИЗНИ КУТАДИ



Театримиз жамоаси ўзаро маслаҳатлашиб ёзги мавсумни шаҳримизда ўтказишга қарор қилдик, — деди ҳайратимизни сезгандек. Иккита ижодий гуруҳ тузганмиз. Улар мактаблар қошидаги оромгоҳларда бўлиб, «Аловиддиннинг сеҳрли чироғи», «Фотиманинг саргузаштлари», «Чодир хаёл», Насриддин Афанди латифалари асосида болаларбоп қилиб тайёрланган қувноқ куй ва қўшиқларга бой спектаклларимизни намойиш этишяпти.

Салкам 60 ёшга тўлган театримизнинг Алишер Мирзағиёсов, Фатхулла Хўжаев, Шоҳида Каримова каби актёрлари, рассомимиз В.Г.Акудинларнинг бармоқ билан ўйналадиган соя ва марионетка, яъни иплар билан ҳаракатлантирилувчи қўғирчоқларнинг томошаларини ёш театр шинавандалари илиқ қарши олишяпти.

Театримиз жамоаси республикамиз, шунингдек чет элларда ўтказиладиган қўғирчоқ театрлари фестивалларининг фаол иштирокчилари ҳамдир.

Яқинда Покистоннинг Лоҳур шаҳридан таклифнома келди. Бу ерда ҳар икки йилда бир марта қўғирчоқ театрлари байрами ўтказилади. Бу байрамга Хитой, Канада каби мамлакатлардан ҳам уста қўғирчоқбозлар келишади. Миллий руҳдаги спектаклларимизни чет эллик томошабинлар катта қизиқиш билан кутиб олиши учун тинимсиз изланяпмиз.

1995 йили Американинг Аризона-Феникс штатида ўтказилган қўғирчоқ театрлари байрамида «Карвонсарой» номли спектаклимиз билан иштирок этгандик. Штатда ўзбеклар бўлмаса-да, асарни жуда яхши қабул қилишгани актёрларимиз эгнидаги хонатласу бекасамдан тикилган миллий либосларнинг товланиши-ю, доира жўрлидаги хўроз уриштиришлардандир, десак хатомас. Улар бундай байрам, кунгилочар томошаларни жуда хуш кўришар экан. Шунинг учун бўлса керак, кундан-кун томошабинлар кўпайиб борди. Бизда эса... аҳвол ўзгача. Тирикчилик деймиз, пул топиш йўлларини излаймиз, аммо уззу-кун бозорларда олди-сотти билан шуғулланаётган фарзандларимиз маънавиятининг қашшоқлашиб кетаётгани ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Ота-оналар фарзандларини театрларга, маданий ҳордиқ масканларига доим ҳам олиб боришмайди. Болажонларимиз бугун қўғирчоқ театрига келсалар, эртага албатта катта театр, концертларга боришади, ранг- баранг кўргазмалардан завқланишни ўрганишади. Санъат инсон ҳис-туйғусига, руҳиятига таъсир этади. Республика қўғирчоқ театри ижодкорларининг нияти эзгу. Бугун бизни томоша қилганлар эртага катта театр даргоҳларига борадилар, шундай экан, марҳамат, азиз меҳмонимиз бўлиб, меҳнатимизга баҳо беринг!

Қўғирчоқлар сизни кутади, болажонлар.

**Суҳбатни Маҳмуда ҲАЙДАРОВА уюштирди.**



# МОҲИНУР: «СИЗДАН ШОКОЛАД ҲИДИ КЕВОТТИ!...»

**Болалик энг гўзал тарих, энг ширин туш, энг яхши эртакдир. Болалик нечоғли нодир мулк бўлмасин, уни одамлар бир-бирларидан қизғанмайдилар, талашмайдилар. Кичкинтойларга ҳеч ким ҳасад билан боқмайди. Шунинг учун ҳам болалик яхши! Уни хотирлаганингда бутун вужудинг, руҳинг яйрайди.**

**Ким билсин, болалигимиз бизни ташлаб кетдими ёки ўзимиз уни тарк этдикмикин! Йўқ, болалик ҳамиша катталар билан ёнма-ён юради, акс ҳолда ҳаёт бу қадар ширин ва кўркам бўлмасди.**

**Мен боликка ҳар куни дуч келаман, у билан суҳбатлашаман, баҳслашаман. Уни қизларимнинг бир лаҳзалик аразию қайсарликларидан, беминнат меҳру муҳаббатию, шодон қийқириқларидан, содда ёлғонларидан, ноҳақликка бўлган эътирозларидан топгандек бўламан. Уларнинг йўл-йўлакай айтган фикрларидан қандайдир фалсафа — ҳақиқат кашф қиламан.**

**Тўрт ёшли МОҲИНУРИМнинг овози менга боликнинг акс-садоси бўлиб туюлади. Унинг ёнидан беписанд ўтмасликка интиламан.**



— Моҳижон, сен Зумрадмисан — Қимматмисан?
— Мен — Зумрадман. Қимматни арилар еб қўйишган-ку!

***

— Қизим, менга чап қулоғингни кўрсат-чи!
— Мана.
— Ие, бу ўнгиси-ку!
— Чап қулоғимни нима қиласиз ўзи, аяжон. Барибир иккаласи ҳам бир хил-ку!

***

— Ая, ўзини йўқотиб қўйди, дегани — нима дегани?
— ...

***

— Ая, кўзимни юмиб туш кўрсам роса чиройли туш кўраман, кўзимни очиб туш кўрсам ҳамма ёқ хунук бўп кетади. Нимага-а?

***

— Китоб ўқиётганимда бирпас гапирмай тур, қизим. Калламга ҳеч нарса кирмаяпти.
— Аяжон, каллангизнинг эшиги йўқ-ку, мен гапирмасам ҳам барибир ҳеч нарса кирмасди.

***

— Ая, бечора дегани яхши дегани-а?

***

— Аяжон, қачон менинг ҳам тишларим сизникидақа ялтироқ — сариқ бўлади?

***

— Моҳинур, бунча қаттиқ гапирасан. Опангни қара, ҳечам бақирмайди.
— Ёлғон! У ҳам чақалоқлигида роса қичқириб-қичқириб йиғлаган-ку!

***

— Вой, сенинг гуруч тишларингдан айланай.
— Ая, мен гуручли овқатни яхши кўриб кўп-кўп ейман, ўшан-чун тишларим ҳам гуручга ўхшаб қолган-да!..

***

— Қизим, кўринган нарсани оберинг деяверасанми?
— Аяжон, кўринган нарсани дарров яхши кўриб қолсам, нима қилай?..

***

— Моҳи, телевизорда ҳеч қанақа қизиқ нарса бўлмаяпти. Овқатингни егин.
— Бўлмаса овқат қизиқми?

***

— Ая, тушимда мен катта бўпман!
— Қаёқдан билдинг?
— Ошхонанинг чироғини стул қўймасдан ёқибман.

***

— Қизим, манави гулингни бунча хунук қилиб чиздинг?
— Забаржад опам сув қуймаган-да, ўшан-чун хунук бўп қолди!

***

— Моҳи, аямга ҳеч тўясанми, ўзи! Бунча ёпишасан?
— Тўяман.
— Қачон?
— Ухлаётганимда.

***

— Ая, қўлимдан ушлаб юринг. Бўлмаса, шамол мени олиб кетиб қолади. Иккаламиз бўлсак, кучи етмайди, тўғрими?

***

— Отажон, чой дамлаб беринг!
— Оталар чой дамласа уят бўлади, қизим.
— Вой, чой дамлашга уяласизми?

***

— Моҳинур, нима учун конфетларингнинг ҳаммасини еб қўйдинг!
— Опажон, мен ҳам сиздақа катта қиз бўлгим келди-да, ўшан-чун дарров еб қўя қолдим.

***

— Ая, меҳмонга боришни яхши кўрасизми, меҳмон келишиними?
— Меҳмон келишини яхши кўраман.
— Вой, меҳмонларнинг уйини кўргингиз келмайдими?

***

— Ая, нимага одамнинг оёғи оғрисаям, тиши оғрисаям нуқул кўзидан ёш чиқади?..
— ...

***



— Қизим, овқатни нон билан еса, одамнинг бўйи ўсади.
— Нон емасдаң овқат еса — сочи ўсадими?
— Ҳа.
— Унда аввал сочим ўсволсин, кейин бўйим ўсади, майлими?

***

— Ая, мен бугун тушимда қуён кўрдим.
— Шартта ушлаб олмадингми?
— Вой, қуён ичимдайди-ку, ичимдаги нарсани қандай қилиб ушлайман!

***

— Ая, биз ҳам чақалоқ олайлик!
— Чақалоқ олсак, у мени ая қилиб олади-да, майлими?
— Йў-ўқ... Уни ўзининг ойиси билан бирга оламиз-да!..

***

— Ая, сиз овқат пиширсайиз, у дарров тугаб қолади. Иш қилсайиз ҳеч тугамайди. Ўшан-чун сиз иш қилишни — ёзишни яхши кўрасиз-а?

***

— Қизим, бувингникига кетиб қолсанг, сени соғиниб қоламан-да.
— Мени соғингийиз кемаяптими?

***

— Моҳи, чарчадим.
— Ие, ая, сиз уйдасиз-ку!
— Нима қипти?
— Одам ўзининг уйида чарчамайди — кўчада чарчайди.

***

— Ая, сиздан шоколад ҳиди кевотти-ку! Шоколаднинг ўзи қанийкин?

**Замира ЭГАМБЕРДИЕВА.**

*Ёзувчи Маҳмуд Муродов туғилганига 80 йил тўлди*

# БОЛАЖОН ЁЗУВЧИ

Маҳмуд Муродов — болаларнинг ардоқли ёзувчиси, бутун ҳаётини, бутун ижодини болаларга бағишлаган болажон инсон эдилар. Ярим асрдирки, кичкинтойлар учун асарлар ёзишдан тинмадилар. Эртаю кеч болалар хаёли билан яшадилар. Мактабдами, кўчадами, болаларни кўрсалар бир олам қувониб, уларга китобми, журналми улашиб юрардилар. Болалар билан дарров тил топишиб, чақчақлашардилар.

Маълумки, болалар учун асар ёзиш, айниқса, жажжи кичкинтойлар қалбига кириш, уларнинг завқига завқ қўшиш, тарбиялаш жуда қийин ва масъулиятлидир. Чунки, ёзувчи кичкинтойларнинг руҳий оламига кира олмас экан, унинг ёзганлари ўқувчисиз қолаверади. Шунинг учун бу ишга бел боғлаган ёзувчилар жуда кам, бармоқ билан санарли. Маҳмуд ака ўз ўқувчиларини топган бахтли ёзувчи эдилар. Уларнинг «Яхши амаки», «Энг маза жой», «Кўприк», «Сирли дон», «Ким кучли?», «Боғча бола», «Саноқ» каби қатор-қатор китоблари нашр этилган, ўқувчилар томонидан илиқ кутиб олинган.

Биз Маҳмуд Муродов китобларини ўқир эканмиз, бу ёзувчи болалар қалбини, руҳиятини, феъл-атворини нақадар чуқур билишининг гувоҳи бўламиз. Бу китобларда кичкинтойларнинг қувноқ болаликнинг қий-чувлари, уларнинг орзу-истаклари, интилишлари ўз аксини топган.

Маълумки, болалар эртакни жуда севишади. Бобо ва бувиларининг эртакларини жон қулоқлари билан эшитишади. Маҳмуд ака ҳам болалар учун жуда кўп эртаклар ёзганлар. Ўқувчилар севиб уни «Эртакчи бобо» деб аташади. Ёзувчи эртакларини қўлга олган ёш китобхон ўзига таниш бўлган Қуён, Тулки, Бўри, Айиқполвонлар билан қайта учрашади. Уларнинг қизиқ-қизиқ саргузаштларининг гувоҳи бўлади. «Кўприк», «Аҳилликда гап кўп», «Қўрқмаган енгади», «Ола қуёнча ҳақида» каби эртаклар жуда мароқ билан ўқилади. Шунингдек, бошқа эртаклардаги кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ажойиб-ғаройиб ҳодисалар, ақл бовар қилмас фантазиялар, лофқофлар, қаҳрамонларнинг мардлик ва ботирликлари, ёвузлик устидан яхшиликнинг ғалаба қилиши, хуллас, эртаклар ўқувчилар хаёлини дарров ўзига жалб қилиб олади. Эртаклар ўқувчиларни ҳаётда ҳушёр бўлишга, оқ-қорани танишга ўргатади.



Маҳмуд ака ўз қаламини драматургия соҳасида ҳам синаб кўрдилар. «Абад-азамат», «Биринчи Ғалаба», «Шамширбоз» каби қатор саҳна асарлари яратдилар.

М. Муродовнинг тажрибали таржимон эканлигини ҳам айтиб ўтиш жоиздир. Бир қатор қардош халқлар ёзувчиларининг асарларини ўзбек тилига катта маҳорат билан таржима қилганлар. Бу китоблар орасида Мария Прилижаеванинг «Ўртоқларинг сен билан» қиссаси, А. Волковнинг «Урфин Жюс ва унинг ёғоч солдатлари», «Етти ер ости қироли» эртак-қиссалари, Миср ва туркман ёзувчиларининг ҳикоя тўпламлари бор. Заҳматкаш ёзувчимиз йигирмадан ортиқ дарслик ва қўлланмаларни ҳам ўзбек тилига таржима қилганлар.

Биз Маҳмуд аканинг ҳаёт йўлига назар ташласак, ёзувчининг бутун умри болалар билан чамбарчас боғлиқлигини кўрамиз.

Маҳмуд Муродов аввал болалар уйларида, 1947 йилдан эса болалар матбуотида хизмат қила бошладилар. «Ленин учқуни» газетасида, сўнг «Гулхан» журналида ишладилар. 1958 йилда эса кичкинтойларнинг «Ғунча» журналини ташкил этишда жонбозлик кўрсатдилар. 30 йилдирки, шу журналда масъул котиб бўлиб ишлаб келдилар. «Ғунча»нинг севимли, қўлмақўл бўлишида Маҳмуд аканинг хизмати каттадир. Маҳмуд Муродов болалар журналистикаси ривожига салмоқли ҳисса қўшган, болаларга ёзиладиган ҳар бир лавҳа, очерк, мақола қисқа ва лўнда бўлиши кераклигини ўз қаламини билан исботланган инсон эдилар.

Маҳмуд Муродов қўли очиқ, шогирдларга бағри кенг, устоз журналист эдилар. Бугунги кунда матбуотда ишлаб турган қатор-қатор журналистлар устоз меҳридан баҳраманд бўлишган. Ёшларга доим ёрдам қўлини чўзганлар. Уларнинг ўз кунини ўзи кўриб, бошпанали бўлишида қанча қайғурганлар. Менинг ҳам илк шеърларим матбуот юзини кўришида Маҳмуд аканинг хизматлари каттадир. Ҳар гал мени кўрганларида «Янги шеърлар ёздингизми, «Ғунча» боплари борми?» деб сўрардилар, мавзулар бериб ёзишга руҳлантирардилар. Насиб экан, ўн йил устоз билан «Ғунча»да ишладим. Кичкинтойлар руҳининг билимдони Маҳмуд акадан кўп нарса ўргандим.

Давраларда Маҳмуд аканинг самимийлиги, инсоний фазилатлари ҳақида кўп гапириб юришади. Ҳа, устоз қўлидан келган ёрдамини одамлардан аямасди. Гоҳо ёш ижодкорнинг ишга жойлашиши учун кимгадир қўнғироқ қилардилар, гоҳо эса касбдошлари ўғлининг ўқишга кириши учун елиб-югирсалар, гоҳо уйининг томи ёпилмай қолган қўшниларига ёрдамлашардилар. Одамларнинг иши битса, уларни хурсанд ҳолда кўриб, ўзлари ҳам қувониб кетардилар.

Дўстлари касал бўлиб қолса, биринчи бориб кўнгил сўрайдиган ҳам, тўй-маросимларда бош-қош бўладиган ҳам Маҳмуд ака эдилар.

Маҳмуд ака одамларсиз яшай олмас эдилар. У киши ишлайдиган хона доимо гавжум бўларди. Шўх-шодон, дўстона қаҳқаҳалар янграб турса, Маҳмуд аканинг қулфидиллари очилиб кетарди.

Шу кунларда Маҳмуд акани тез-тез эслайман. Умр бўйи болаларга асар ёзган, узоқ йиллар болалар матбуотида ишлаган Маҳмуд аканинг ўзи ҳам болалардай содда, қалби пок, инсон эдилар.

Севимли болалар ёзувчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Маҳмуд Муродов ҳаёт бўлганларида бу йил 80 ёшга тўлардилар. Оқсоқол ёзувчиларнинг қаторида бўлардилар. Маҳмуд ака ёзиб қолдирган қизиқарли ва сермазмун китоблар болаларимиз қўлидадир, хуштабассум, ширинсўз, ҳаммага меҳрибон ажойиб бу инсон дўстлари, шогирдлари дилидадир.

**Рауф ТОЛИБ.**

*Тенгдошларинг ижоди*

## Оромгоҳим „Семург“

Келди-ю ёзги таътил,
Қалбимда қувонч
ортди.
Оромгоҳим
«Семурғ»,
Қувноқ бағрига
тортди.

Бунда минглаб
болалар,
Маза қилиб дам олар.
Эрта тонгдан доира,
Янграб даврага
чорлар.

Тўгараклар жуда кўп,
Камол расмга олар.
Бахтиёр айтар қўшиқ,
Жамол доира чалар.

Турли хил ўйин-
тадбир,
Бари бизга мунтазир.
Оромгоҳим «Семурғ»,
Бўлмоқда бизга
манзур.

**Баҳром МУСТАФОЕВ,**
**Тошкент шаҳар, Юнусобод туманидаги 21-мактаб ўқувчиси.**

# АРАБХОНАЛИК ОТАМУРОД

Отамуроднинг отаси Бухоро шаҳридаги Арк музейини томоша қилишга олиб борганида, у уч ёшда эди. Майдондаги дорбозлар, полвонларнинг чиқишлари уни бутунлай ўзига ром қилиб қўйганди. Шундан буён Отамуроднинг юрагида бир орзу яшайди — улғайгач, цирк артисти бўлиш.

Ҳозирги кунда Қизилтепа туманидаги Зармитон фуқаролар йиғини ҳудудидаги Улуғбек номли мактабнинг 3- синфида таҳсил олаётган Отамурод билим даргоҳи қошидаги спорт мактаби бўлинмасининг фаол иштирокчиси. Тинимсиз машқлари туфайли цирк санъатига доир 30 дан ортиқ мураккаб чиқишларини томошабинларга намойиш этишга улгурди. Отамуроднинг шиша синиқлари устида думалаш, оёқларини бўйнига илиб, қўли билан юриш, ерга ташлаган тангани ўзини орқага ташлаган ҳолда оғзи билан олиш каби чиқишларини томоша қилган ҳамқишлоқлари ҳайрат билан беихтиёр: «Суяги йўқми бу боланинг?!» деб юборишади.

Отамурод Сувоновдан ота-онаси, устозларининг умиди катта. Арабхоналик Отамурод ўзбек спорти ва цирки шуҳратини оламга ёйишини ният қилишади.

**Баҳодир ЭГАМОВ,**
**Қизилтепа шаҳри.**

ТОНГ ЮЛДУЗИ
Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Бош муҳаррир Умида АБДУАЗИМОВА

Таҳрир ҳайъати:
Наримон ОРИФЖОНОВ,
Омон МАТЖОН,
Гулнора ЙЎЛДОШЕВА,
Марат ШАФИЕВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ
Буюртма — Г -0317.
7691 нусхада босилди.
Қоғоз бичими — А-3.
Босишга топшириш вақти 19.00
Топширилди — 18.30

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137
Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Телефон: 33-44-25

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

1 2 3 4 5 6